SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 10-IYUN ■ SESHANBA ■ 70 (27.090) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАН АСОСИЙ МАҚСАД — ХАЛҚИМИЗ ЎРТАСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ЁШ НАСЛИМИЗНИ ТУРЛИ САЛБИЙ ТАЪСИРЛАРДАН АСРАШ, БОЛАЛАР СПОРТИНИ КЕНГ, УММУМХАЛҚ ҲАРАКАТИГА АЙЛАНТИРИШДИР

Хабар қилинганидек, 4 июнь куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш аъзолари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлисда 2003 йил 7 февраль куни ўтказилган Ҳомийлик кенгаши йиғилиши баёнининг бажарилиши, жорий йилда республика ҳамда ҳудудлар миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастури ва Жамғарманинг 2003 йил бюджетини тасдиқлаш, спорт анжомлари, кийим-кечаклари ва чарм-пойабзал маҳсулотларини ўз ҳудудимизда ишлаб чиқариш, болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳалари, шунингдек, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 4-каналини спорт каналига айлантириш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Қуйида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг мазкур йиғилиши баёни эълон қилинмоқда.



Теннис болаларнинг энг севимли спорт тури ҳисобланади.

Болалар спортини оммавий спортга, уни ривожлантиришни оммавий ҳаракатга айлантирайлик

Аввало, мажлис иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси А.Мирқосимовнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг 2003 йил 7 февралдаги йиғилиши баёнининг бажарилиши ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви ва бошқа тегишли ташкилотлар томонидан болалар спортининг ҳолатини тўрт йўналиш (1-4 синф, 5-9 синф, коллеж ва лицейлар, маҳаллалардаги спорт шаҳобчалари) бўйича ўрганиш асосида спорт билан мунтазам шуғулланаётган 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларнинг сонини аниқлаш ва танқидий баҳо беришга қаратилган таҳлиллар ўтказилгани маълумот учун қабул қилинди.

Ўтган даврда Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари ва бошқа мутасадди идоралар томонидан болаларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан уйғун равишда камол топишини таъминлаш, мамлакатимизда болалар спортининг асосий йўналиш ва турларини ривожлантиришнинг тиббий ва илмий асосларини яратиш бўйича тавсиялар асосан ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Шунингдек, умумий таълим мактаблари учун 2003-2004 ўқув йилига мўлжаллаб жисмоний тарбия ва болалар спортига оид ўқув дастурлари, дарслик, методик қўлланмалар ҳамда плакатлар тайёрлаш дастури тузилган. «Соғлом оила» мусобақаларини ўтказиш Низоми ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур мусобақалар Наврўз байрами арафасида маҳаллалар миқёсида бошланиб, ҳозирги кунда давом этаётир.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси томонидан мамлакатдаги мавжуд мактаб, коллеж, лицей ва маҳаллаларда болалар спортини ривожлантириш учун зарур спорт анжомлари ҳамда спорт кийимларига бўлган эҳтиёж аниқлаб чиқилган. Миллий қадриятлар ва анъаналарни инобатга олган ҳолда спорт кийимлари намуналари яратилди ва уларнинг кўргазмалари ўтказилган.

Жисмоний тарбия ва спорт йўналиши бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларининг бакалавриат, магистратура ва махсус сиртқи бўлимларига болалар спорти учун ва уни ташкил қилиш юзасидан педагог-мураббий кадрлар тайёрлаш, шунингдек, спорт журналистикаси ва психологияси мутахассисликлари бўйича таълим бериш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Мажлисда жойлардан билдирилган таклифлар асосида 2003 йилда республика ҳамда ҳудудлар миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастури ва Жамғарманинг 2003 йил бюджети лойиҳалари ишлаб чиқилгани, болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳалари тайёрлангани, ҳомийлардан Жамғарма ҳисоб рақамига 1 июнга қадар 8,2 миллиард сўм ва 1,6 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ тушгани ҳақидаги ахборотлар ҳам маълумот учун қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда.)

Янги рукн: КАСБИМ — ФАХРИМ!

Бухоро технология касб-ҳунар коллежи 2002 йил августда очилган эди. Шу куннинг энг муҳим касблари ҳисобланган компьютер операторлари, муҳандислари, созловчилари, замонавий меҳмонхона ва ресторанлар ишини ташкил этувчи мутахассислар, туризм бўйича менежер, кийим моделларини лойиҳалаштирувчилар тайёрланади.

✧✧✧

Суратда: коллежнинг бир гуруҳ талабалари.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг узвий давоми — ўрта махсус ва КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ тизимида ҳам чуқур ислоҳотлар ўтказилмоқда. Ҳар бир шаҳар ва туманда замонавий талабларга жавоб берадиган касб-ҳунар коллежлари сони ортмоқда. Чунки, республикамиз халқ хўжалиги тараққиёти айни шу масканларда таълим ва таҳсил олаётган малакали ёш кадрлар салоҳиятига жуда-жуда боғлиқ.

Юртбошимиз ҳали 1998 йилнинг декабрь ойидаёқ вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан бўлган учрашувда бу ҳақда алоҳида таъкид билан айтган эдилар:

«Биз бугунги ҳаётимизнинг қайси масалалари ва вазифалари ҳақида, қайси истиқболлари ҳақида гапирмайлик, бошқариш ва ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида — ҳамма нарса бугун кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалади...»

Давлатимиз раҳбари ўшанда кадрлар деганда МАЛАКАЛИ КАСБ-ҲУНАР ЭГАЛАРИНИ ҳам кўзда тутганди. Эсингизда бўлса, 4 июнь куни Оқсаройда бўлиб ўтган мажлисда ҳам бу ҳақда яна бир бор алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ҳунар — умр зардевори

МОЗИЙДАН. Шарқда, хусусан, Турон заминида аҳоли қадим-қадимдан ёш йигит-қизларни болалигиданоқ бирор касб-ҳунар этагидан тутишга ўргатишган. Мамлакат ривожи ва эл-улус қоридан келиб чиқиб, одамлар ўз фарзандларини эҳтиёжли касбларга йўллашган. Турли хил ҳунармандчилик сулолалари вужудга келган. Ҳатто шуғулланаётган касб-ҳунарига қараб: Эгарчи, Заргар, Мисгар, Ўқчи, Кўнчи, Қошиқчи, Пичоқчи, Темирчи, Гуручли сингари бутун бошли маҳаллалар пайдо бўлган.

Қолаверса, бутун Шарқ аҳли фахрланиб тилга олган буюк алломаларимиз, суюкли бобокалонларимиз ҳам ўз илмий, ижодий фаолиятларидан ортиб, муайян бир касб ёки ҳунар соҳиби бўлишган: Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом тижорат билан шуғулланганлар. Ҳазрати Довуд темирчиларнинг пири бўлган. «Дилинг — Аллоҳда, қўлинг — меҳнатда бўлсин» деган ҳикмат муаллифи Баҳоуддин Нақшбанд сават тўқиган. Яссавий бобомиз қошиқ ясаган, Паҳлавон Маҳмуд пўстин тиккан. Гулханий — ўт ёқувчи (гўлах), шоир Моний — кулол, Абдулла Қодирий — боғбон...

Эй, биродари аҳли тамиз,
Ковушу маҳси тикамиз...

дея Завқий ҳам ўз касби-ҳунари этикдўзлик эканлигидан хабар бериб кетган...

Буларнинг ҳаммаси узоқ ва яқин ўтмишда ота-боболаримиз ҳунарга — **тириклик пойдевори**, таъбир жоиз бўлса, **умр зардевори** тарзида қараганликларидан ёрқин далолат.

БУГУН. Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий қадриятлар, урф-одатлар, таомил ва анъаналарни давом эттириш, уларни ривожлантириш ҳамда такомилига етказиш йўлида яна қайта саъй-ҳаракатлар бошланди. Одамлар касб-ҳунар тарбияси — ҳали онги ва шуури пишиб етилмаган, ниҳолдек нозик ўсмирларнинг умри бозорларда, кўчакўйларда: сигарет, писта, сақич сотишдан бошланмаслиги кераклигини англаб олишяпти. Уларнинг эрта бир кун ёмон йўлларга кириб, ноқис кишилар таъсирига тушиб ёки билиб-билмай жиноят йўлига қадам қўймасликлари учун — аввал ўқитиш, сўнгра касб-ҳунарга йўналтириш зарурлигини тушуниб етишяпти.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига кўра сўнгги йилларда юзлаб касб-ҳунар коллежлари қурилди ва юзлаб шундай масканлар таъмирдан чиқди. Улар эндиликда нафақат билим даргоҳлари, балки юртимизга келаётган меҳмонлар ва сайёҳларни ҳам олиб бориб кўрсатишга, кўз-кўз қилишга арзийдиган муҳташам иншоотлар бўлди.

РАҚАМЛАР: «2000-2001 ўқув йилида 20 та касб-ҳунар коллежини битирган 3466 нафар ўқувчининг 3097 нафари бугунги кунда ўз мутахассислиги ва яқин турдош соҳаларда муваффақиятли ишлаб турибди. 67 нафари олий ўқув юртларига ўқишга киришди...

2001-2002 ўқув йилида 120 та битирувчи гуруҳларнинг 24510 нафаридан 20180 нафари ҳам ҳозир ўзлари танлаган мутахассислик ихтисослигида самарали меҳнат қилмоқдалар. 1640 нафари олий ўқув даргоҳларида таҳсилни давом эттиришяпти.

2002-2003 ўқув йилида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тасарруфидаги муассасаларда жами — 567666 нафар ўқувчи, жумладан, 414 та касб-ҳунар коллежида 299926 нафар ўқувчи таълим олди. Бугунги кунда улар ҳам республикамиз халқ хўжалиги тармоқларига кичик мутахассислик ихтисосликлари бўйича йўл олишди...»

(Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази маълумотномасидан).

2-бет

Шижоат ва маҳорат кўриги

Андижонда ўтаётган «Баркамол авлод — 2003» республика спорт мусобақалари қизғин давом этмоқда

Шу кунларда кўркам ва обод Андижон катта спорт байрами оғушида. Вилоятнинг гавжум кўчалари, маданият ва истироҳат боғлари, ям-яшил хиёбонларини тўлдириб юрган йигит-қизларнинг гурунгларида ёшлик ғайрат-шижоати уфуради.

4-бет

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

Оламни асранг, дўстлар

7 ИЮНЬ КУНИ ПОЙТАХТНИНГ «БОҒИ ЭРАМ» ИСТИРОҲАТ БОҒИДА ЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ЭКОФЕСТИВАЛЬ БЎЛИБ ЎТДИ

Етти-саккиз яшар битта дарахт бир кунда икки киши нафас олишига етадиган даражада кислород ишлаб чиқаради. Инсоният эса нав-ниҳолни, табиатни яксон қилиб ўзи ўтирган дарахт шохига болта урмоқда. Донишмандлардан бири айтган эканки «инсоннинг табиат ишларига аралашуви охир-оқибат кулфат келтиради. Ер сайёраси тезлик билан кексаймоқда». Табиатдан керагидан ортиқ нарса талаб қилиш натижасида кўплаб ҳайвон турлари умуман йўқолиб кетиш арафасида. Дарёлар сувини талон-торож қилиш Орол денгизи қуришига олиб келди. Бу хавф нафақат Марказий Осиё, балки дунёнинг оғриқ нуқталаридан бирига айланди. Бу бедодликларнинг олдини олиш учун нима қилмоқ керак? Инсоният маънавий дунёсидан тобора узоқлашиб бораётган тирикликка, атроф-муҳитга муҳаббатни қандай қилиб уйғотиш мумкин?

4-бет

АНЖУМАН

Қонунчилик тарғиботи муҳим вазифа

Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги туб ислоҳотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жумладан, прокуратура органлари фаолиятида қонунийлик, адолат ва демократия тамойиллари қарор топиши оммавий ахборот воситаларининг эркинлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бўлиб ўтган «Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни тарғибот қилишда прокуратура органлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари» мавзуида бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда асосий эътибор шу масалага қаратилди.

Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асл моҳиятини ҳар бир фуқарога етказишда ва аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий онгини юксалтиришда ОАВнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш ўта муҳимлиги уқтирилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси масъул ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоят прокурорларининг катта ёрдамчилари, шунингдек, ҳуқуқий мавзуларда қалам тебратувчи журналистлар иштирок этди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА
BUSINESS BANK

Болалар спортини оммавий спортга, уни ривожлантиришни оммавий ҳаракатга айлантирайлик

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу билан бирга, бу борада айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилгани кўрсатиб ўтилди. Хусусан, марказда ва жойлардаги айрим мутасадди раҳбарлар ўта муҳим, миллатимиз келажаги билан бевосита боғлиқ бўлган бу улуғвор масаланинг моҳияти ва аҳамиятини ҳали-бери тўла тушуниб етмагани сезилмоқда. Шу боис уларнинг фаолиятида юзаки қараш, расмиятчилик ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Жамғарма олдида турган вазифаларни тўла амалга оширишда тўсиқ бўлмоқда.

Мамлакатдаги мавжуд спорт иншоотларини инвентаризациядан ўтказиш, уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласига етарлича эътибор берилмаяпти. Янги болалар спорт иншоотлари ва шахобчаларини қуриш бўйича тайёрланган лойиҳаларда уларни маҳаллий шароитга мослаштириш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш масалалари эътибордан четда қолмоқда.

Баъзи жойларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти ва таълим тизимидаги жисмоний тарбия дарслари масаласини тушунишда чалкашликка йўл қўйилаётир. Бу борада Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Жамғарманинг ваколат ва масъулиятини қатъий белгилаб қўйиш зарурлиги уқтирилди.

Жамғарма тизимига, хусусан, унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларига Жамғарма олдида турган мақсад-вазифаларни чуқур тушуниб етмаган, фаоллик ва ташаббускорлик, фидойилик фазилати етарли бўлмаган кишиларни ишга қабул қилиш ҳолларига йўл қўйилаётир.

Бундан ташқари, халқимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини кенг, умумхалқ ҳаракатига айлантириш борасида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти талаб даражасида эмаслигига ҳам эътибор қаратилди.

Ўқув жараёнининг ҳар бир босқичида, аввало, қишлоқларда жойлашган ўқув юртларида ҳафта давомидаги спорт дарслари ҳажмини кўпайтириш масалаларини қайта кўриб чиқиш ва янги ўқув йилида татбиқ қилиш тавсия этилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2003 йилга мўлжалланган бюджети жорий йилнинг 9 ойлик натижаларига кўра қайта кўриб чиқиш шарти билан тасдиқланди.

Ҳомийлардан тушиши белгиланган миллий ва эркин муомаладаги валюта маблағларининг ўз вақтида ва тўла миқдорда тушишини таъминлаш Бош вазир ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклатилди. 2003 йил 1 июль муддати билан тўпланган валюта ҳажмини ҳомийлар ҳисобидан яна 1 млн. долларга кўпайтириш кўзда тутилиши қайд этилди.

Жамғарманинг 2004 йилга мўлжалланган бюджетидаги миллий ва эркин муомаладаги валюта маблағларининг ҳажми ҳақида Бош вазир ўринбосари Р.Азимов ва молия вазири М.Нурмуродов томонидан 2003 йил 15 ноябргача таклиф киритилиши белгилаб қўйилди. Жамғарма маблағларини сарф этиш ва назорат қилиш вазифаси ва масъулияти молия вазири М.Нурмуродов зиммасига юклатилди.

«Ўздавархитектқурилиш» қўмитасига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоят ҳокимлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда қурилиши мўлжалланаётган спорт иншоотларининг лойиҳалари бўйича аниқ таклифларни уч ҳафталик муддатда ҳар қайси вилоятнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда кўриб чиқиш учун киритиш тўғрисида топшириқ берилди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига, Халқ таълими вазирлигига, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказига болалар спорти учун пухта замин яратиш мақсадида, мамлакат ва ҳудудлар миқёсида спорт бирлашмаларини ташкилотлар вакилларидан иборат таркибда комиссия тузиш белгиланди. Комиссия зиммасига мамлакатдаги мавжуд спорт иншоотларини инвентаризация қилиш ва улардан унумли фойдаланиш масаласини ўрганиб, бир ой муддатда таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси юкланди.

Йиғилиш баёнида қайд этилганидек, Болалар спорти иншоотларининг қурилиш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида Жамғарма ҳузурида қурилиш объектлари дирекцияси ташкил этилиши мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Дирекция зиммасига Ҳомийлик кенгаши тасдиқлаган қурилиш иншоотлари рўйхати асосида лойиҳалаштириш, қурилиш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва бошқа тегишли вазифалар юклатилди. К.Тўлаганов уч ҳафта муддатда Дирекция тузилмаси ва Низомини ишлаб чиқиб тасдиқлашни ва бир ой муддатда унинг таркибини малакали кадрлар билан тўлдиришни таъминлаши зарурлиги белгилаб қўйилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ҳамда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларига мазкур масала бўйича 2003 йил учун тасдиқланган қурилиш ва таъмирлаш дастури асосида ташкилий чора-тадбирларни белгилаш, шу жумладан, қурилиш ташкилотлари ўртасида ўз вақтида ишлаб чиқилган намунавий лойиҳаларни белгиланган тартибда тендерлар ўтказиш йўли билан танлаб олиш, қурилиш объектларини ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос табиий хусусиятларини инобатга олган ҳолда жойлаштириш ва бошқа барча зарур ташкилий ишларни ўз вақтида амалга ошириш вазифалари юклатилди.

Молия вазирлигига барча қурилиш ишларини Жамғарманинг тасдиқланган бюджети асосида ўз вақтида молиялаштириш, кўзда тутилган харажатларни белгиланган миқдорда ва мақсадли сарфланишини назорат этиш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон Республикасида болалар спорт анжомлари, кийим-кечаклар ва чарм-пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилган ишлар маъқулланди. Барча вилоятларда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси томонидан ишлаб чиқилган спорт кийимлари кўргазмаларини ўтказиш ва бу кўргазмалар фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш зарурлиги қайд этилди.

Бу борада икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига тегишли қарор лойиҳасини тақдим этиш вазифаси Бош вазир ўринбосари М.Усмоновга топширилди.

Ўзтелерадиокомпания, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, ЎзА, бошқа оммавий ахборот воситаларига болалар спортини ривожлантиришнинг асосий мақсад ва вазифалари, стратегик йўналишлари бўйича ахборот ва тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш тавсия этилди.

Бош вазир ўринбосари Р.Азимов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзтелерадиокомпания, Матбуот ва ахборот агентлиги, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда «Оммавий спорт тарғиботини кучайтириш тўғрисида» қарор лойиҳасини бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритиши лозимлиги таъкидланди.

Қарорда спорт журналистикаси соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг ўзига хос миллий тизимини шакллантириш, спорт нашрлари ва бу соҳага ихтисослашган бошқа оммавий ахборот воситаларининг моддий-техникавий базасини яхшилаш, спорт журналистларини рағбатлантириш, мамлакат телевидениесида махсус «Спорт» каналини ташкил этиш чора-тадбирлари кўзда тутилиши зарур.

Ушбу баён ижросини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов ва Бош вазир ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклатилди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши раиси, Президент Ислом Каримов тасдиқлаган ушбу йиғилиш баёни яна бир бор шундан далолат берадики, мазкур Жамғарма фаолияти ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг ғоят муҳим шарти сифатида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш ва уни тарғиб этишни том маънода таъминлашга, энг муҳими, бу борадаги эзгу интилишларни умумхалқ ҳаракатига айлантиришга қаратилгандир.

(ЎзА)

Ҳунар — умр зардевори

(Давоми. Боши 1-бетда.)

АМАЛИЁТ. Тошкентдаги «Тонг» очиқ ҳиссадорлик жамияти тикувчилик корхонасининг кадрлар бўлими бошлиғи Наталья ХАМРОЕВА: — Корхонамизга ҳар йили касб-ҳунар коллежларидан 900 нафаргача практикантлар келишади. Уларнинг кўпчилиги ўқувли-уқувли малакали кадрлар бўлиб етишмоқда. Мана, бугуннинг ўзидаёқ бундан икки ойча олдин коллежлардан келган 15 нафар битирувчини синов муддати тугаши билан ишга олиб қолаяпмиз...

Лобар СУЛТОНОВА, 4-цех бошлиғи: — Матлуба Тўлаганова, Фарида Турумбетова, Шоҳида Олимова, Гўзал Алиева сингари қизларимиз ўзларининг илк меҳнат фаолиятларини бизда бошлаганларига кўп бўлгани йўқ. Ҳозир улар тикаётган костюм-юбка, костюм-шим ва бошқа кийимкечаклар сифатидан мамнунмиз. Шу боис босқичма-босқич уларнинг малака разрядларини ҳам кўтариб борамиз.

Гўзал АЛИЕВА, ёш тикувчи: — Икки йил олдин пойтахтимизнинг 19-касб-ҳунар коллежини битириб, тўғри шу ерга келдим. Ҳозир хориждан келтирилган тикув машинасида «Бройзер» — жинси-шортиклар тикаяпман. Танлаган касбим ва ишимнинг натижаларидан хурсандман. Энг муҳими, уйдагиларнинг кўнгли хотиржам. Маошимиз ойига ўртача 50-60 минг сўмдан бўлаяпти. Ҳамма шароит бор. Устозларимиз ғамхўр, меҳрибон...

Тошкент политехника касб-ҳунар коллежини битириб келиб, ҳозир корхонанинг 7-цехида меҳнат қилаётган қизлар: Фотима Худойбердиева, Гавҳар Ғафуржонова, Дилноза Жалилова, Меҳриниса Тожиева (жами 15 нафар) шундай дейишди: — Коллежлардан келган талабалар дастлабки амалиётдан ўтадиган бу ўзига хос марказ — цехда учинчи ой меҳнат қилаяпмиз. Назарий билимларимиз синови тугади. Энди амалиётга ўтдик. Мураббиямиз Саида опадан бир умр миннатдормиз. У киши бизни оқ ювиб, оқ тараган ўз онамиздек бағрига олди. Ҳаммамиз шу ерда ишга қолдик. Меҳнат шароити, ижтимоий муҳофаза, ойлик иш ҳақи — ҳаммаси жойида. Биздан фақат қунт, сабр, тоқат ва ғайрат...

Саида ОЛИМОВА, цех бошлиғи, мураббий: — Улар ишни олдин тайёр маҳсулотлар тикишдан бошлашди. Қўллари енгил, зеҳнлари тийраккина экан, яқинда бизга ўзлари ўйлаб топишган янги моделларини тавсия қилдилар. Улар корхонамиз моделлар бюросига маъқул тушди. Энди биз бу қизларнинг ҳаммасини тикувчиликдан моделлар устида ишлашга ўтказдик. Келгусида моделчи-дизайнер бўлишади.

ОНАЛАР СЎЗИ. Мукаррама ТЎЛАГАНОВА, Матлубанинг онаси: — Қизимни аввал шу корхона қошидаги 21-касб-ҳунар коллежида ўқитдим. Тугатганига беш йил бўлаяпти. Кеча мураббийлари «Қизингизни мастерликка тайёрлаяпмиз» деганларини эшитиб, бирам суюндимки... «Ёшликда ўрганган ҳунар — ўзингга ўлжага қолар», — дегани шуда...

Зайнаб АЛИЕВА, Гўзалнинг онаси: — Қизимнинг ва унинг тенгдошлари тикаётган буюмлар улар меҳнат қилаётган жамоага қатор совринли ўринлар — дипломлар олиб берибди. Қизимни алоҳида мақтаб қўйишди. Севиниб кетдим, фахрландим. Демоқчиманки, ҳамма ота-она ҳам фарзандларини ёшлигиданоқ хайрли, савобли, барокатли йўлга бошлаб, қўлига бирор касб-ҳунар берса, Аллоҳ олдида ҳам, эл-юрт олдида ҳам бурчини бажарган бўлади. Қуръони Каримда ҳам, ҳадисларда ҳам шундай деган. Ҳунардан унар дейди, болам...

ХОТИМА. Халқимиз ҳунарли киши ҳеч қачон хор бўлмаслигини, ҳунар — хазина эканлигини, у тирикликка, ҳаётга, киши умрига шаксиз бахт ва толе зардевори бўлиб қолишини яхши билишади. Шу маънода сухбатдошларимнинг энг сўнггиси — Зайнаб аянинг ота-она бурчи ҳақида айтган сўзлари диққатимни тортди. У беихтиёр менга Президентимизнинг малакали касб-ҳунарли ёш кадрлар тўғрисида айни ҳозирдан бошлаб қайғуриш зарурлиги борасида қуйиниб айтган мана бу сўзларини ҳам эслатди: **«Бу охирқиқибатда бизнинг ўз фарзандларимиз, набираларимиз олдидаги бурчимиздир. Биз уларни эртанги ҳаётга тайёрлашимиз керак... Такрор айтаман: мана шу эзгу мақсад бугунги кунда ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмунига айланиши даркор».**

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

● ХДП ФАОЛЛАРИ

Дилдан сўзлаб, ишни кўзлаб

Республикамизнинг турли гўшаларида аҳоли орасида турли мавзуларга, муаммоларга бағишланган учрашувлар, давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этиш Олий Мажлис ва вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари фаолиятида анъана тусига кирди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзоси Бўритош Шодиеванинг ташаббуси билан яқинда Тошкент банкҳисоб кредит коллежида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавият ва маърифат, жаҳон сиёсатида бўлаётган ўзгаришлар ва унда республикамизнинг тутган ўрни ҳамда бошқа масалаларга бағишланган очиқ мулоқот тарзида учрашув бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис депутати, Парламентнинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси Шарифа Салимова, сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков, коллеж ўқитувчи-мураббийлари, талабалар иштирок этдилар.

Шарифа Салимова ўз сўзида Олий Мажлис XI сессиясида қабул қилинган қонунлар тўғрисида тўхталиб, йиғилганларга уларнинг моҳияти тўғрисида гапириб берди. Парламентнинг 2002 йилдаги фаолияти ва айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар ҳақида қилинган маъруза талабаларда катта қизиқиш уйғотди.

Сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков бугунги кунда дунёда рўй бераётган воқеалар, БМТ фаолияти, Ироқ теварагидаги муаммолар юзасидан Ўзбекистон Олий Мажлиси қабул қилган Баёнот, Афғонистонда тинчликни сақлаш борасидаги жаҳон жамоатчилиги олиб бораётган ишлар, республикамизнинг ташқи дунё билан ҳамкорлиги тўғрисида батафсил тўхталди.

Бўритош Шодиева ватанпарварлик туйғуси хусусида ўзининг фикрларини билдирди. Сир эмаски, айрим ёшларимиз бу тушунчани ўта жўн ва саёз маънода тушунадилар. Шу сабабли депутат бу борадаги ўзининг фикрларини билдириб, жумладан, шундай деди:

— Ҳозир ёшларимизнинг камолотга етиши учун барча имкониятлар мавжуд бўлса-да, афсуски улар орасида тўғри йўлдан адашганлар ҳам йўқ эмас. Айрим ёшлар томонидан наркотик моддалар истеъмол қилиш ҳоллари учраб турибди. Агар йигит-қизлар менталитетимизга зид ишлар билан шуғулланса, бундан нафақат уларнинг ўзи, балки ота-онаси, маҳалла-кўй, ошна-оғайнилари ҳам азият чекади.

Учрашувда қизғин баҳс-мунозаралар ҳам бўлди. Ёшлар ўз қизиқишларини намоён этиб, саволларига атрофлича жавоб олдилар ва шундай учрашувлар турли соҳа вакиллари билан тез-тез ўтказилиб турса, деб истак билдирдилар.

Худди шундай учрашув Тошкент солиқ коллежида ҳам бўлиб ўтди.

Бўритош Шодиева улардан ташқари бошқа тадбирларга ҳам ташкилотчилик қилиб келаяпти. Шулардан бири «Шарқ аёли» халқаро аёллар жамғармаси ҳомийлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Хотин-қизлар қўмитаси, Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида «Отахонларимиз, онажонларимиз — бизнинг фахримиз ва руҳий таянчимиз» мавзусида бўлиб ўтди.

Унда Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова, Олий Мажлис депутати Шарифа Салимова, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Оқилжон Обидов, шунингдек, қатор депутатлар, республика Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, Ўзтелерадиокомпанияси масъул ходимлари иштирок этди.

Пансионатда ҳозир 180 нафар ёлғиз қария истиқомат қилади. Тадбирдан сўнг улар тўкин дастурхон атрофига таклиф этилиб, дилдан суҳбатлашдилар. Дастурхонга Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ижтимоий таъминот бўлими рўйхатидаги қариялар ҳам таклиф этилди.

Марҳабо ИСРОИЛОВА, Беҳзод ШУКУРОВ

Излаган имкон топар

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида 2003 йилда ғалла ўрим-йиғимини муваффақиятли ўтказишни ташкил этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган сим орқали кенгашда шулар ҳақида гап борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарган ушбу тадбирда айни пайтда бундай нохуш ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан барча чоралар кўрилаётгани таъкидланди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг «2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорациясининг дон қабул қилиш пунктлари, элеваторларида тайёргарлик қониқарли эканлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Комбайнларни мавсумга созлаш ҳам ўтган йилга нисбатан анча яхши.

Айни вақтда мазкур долзарб масаланинг моҳиятини тўла тушуниб етмаётган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Давлат техника назорати органлари томонидан жойлардаги 4 минг 275 комбайннинг таъмирланиш сифати текширилганда 763 таси ёки 18 фоизида турли камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Ўрим-йиғим мавсумини соз ва муваффақиятли ўтказиш учун, аввало, бир ҳафта муддатда ғалла майдонларини бегона ўтлардан тозалаш зарур. Таъмирлаш ишларини якунлаш энг долзарб вазифалардан биридир.

Олимларнинг таъкидлашича, ёғингарчиликнинг мўллиги турли ҳашарот ва касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис мавжуд биолабораториялар ишини яхши йўлга қўйиш керак. Табиий ўтларнинг кўплигидан фойдаланиб эса чорва учун мўл-кўл ем-хашак жамғариш ҳам шу куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Ҳадемай ғалла ўрим-йиғимига оммавий равишда киришилади. Ушбу масъулиятли мавсумга тайёргарлик қандай? Техника шайми? Дон қабул қилиш корхоналари-чи? Ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун барча шарт-шароит мавжудми?

Мутахассисларнинг айтишича, бу борада тайёргарлик ишлари ўтган йиллардагига нисбатан бирмунча яхши. Эндиги асосий вазифа машаққатли ва фидокорона меҳнат эвазига етиштирилган ғаллани қисқа фурсатда ўриб-йиғиб олиш, давлатга дон сотиш, уруғлик жамғариш, шартнома мажбуриятларни муваффақиятли бажаришдан иборат.

Бироқ бу борадаги ишларни ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Ўтган йиллардаги хатоларни бу йил ҳам такрорлаш ҳолатлари кузатилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий ва Сирдарё вилоятларининг анчагина ғалла майдонларини бегона ўт босишига, бир қанча туман ва хўжаликларда ўғит талон-торож қилинишига йўл қўйилди. Айни дон пишиш даврида суғориш тўхтаб қолди.

Беҳзод НОРБОЕВ, ЎзА мухбири

● ХДП ХАБАРИ

Хориж технологияси асосида

Ўзбекистон ХДПнинг фаолиятини ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи талаблари даражасига кўтариш, унинг жамият ҳаётига таъсирини кучайтиришни кўзлаб, кўрилаётган чора-тадбирлар орасида хорижий мамлакатларда тўпланган ижобий тажрибани ўрганиш, уни ўз шароитларимизга мослаштирган асосда қўллаш ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Шу мақсадда партиямиз чет эллардаги турдош сиёсий партиялар ва мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кўпгина хорижий ташкилот ва жамғармалар (масалан, ГФРнинг К.Аденауэр ва Ф.Эберт номидаги фондлари) билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Диққатга сазовор жойи шуки, бундай фойдали ҳамкорлик маҳаллий ташкилотлар даражасида ҳам бўлиб ўтаётир.

Шу йилнинг 5-6 июнь кунлари партиямизнинг Тошкент шаҳар кенгаши Ижтимоий тадқиқотлар агентлиги (ИТА-ФАКТ)нинг Фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш Тошкент шаҳар маркази кўмагида ўз фаоллари учун навбатдаги семинар-тренинг ўтказди. АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлиги (ЮСАИД) ёрдамида Американинг яна бир ташкилоти — «Каунтерпарт Ўзбекистон» томонидан дастури ишлаб чиқилган семинар «Стратегик режалаштириш» муаммоларига бағишланди. Тренерлар О.Аванесова, М.Меликсетов ва Р.Мўминовалар икки кун давомида олиб борган машғулотларда тренинг мавзусининг асосий масалалари — ҳар қандай стратегик режалаштиришдан кўзланган мақсад, уни тузишда инобатга олиниши шарт бўлган омиллар (имкониятлар, заҳиралар, шарт-шароитлар, молиявий ва моддий-техник манбалар, мавжуд ҳамда туғилиши мумкин бўлган қийинчилик ва тўсиқлар, ташқи хавфлар ва ҳоказолар), бундай режалаштиришнинг ташкилот тараққиёти учун аҳамияти сингари кўплаб саволлар ўртага ташланиб, уларга биргалашиб энг тўғри жавоблар берилди.

Янги технологияларга асосланган машғулотлар мулоқот, баҳс-мунозара, амалий ўйинлар тарзида ўтганлиги боис барча қатнашчилар уларда у ёки бу шаклда иштирок этиб, билим ва тажриба орттирдилар. Ноанъанавий шаклда ўтказилган ўқув партия фаолларида катта қизиқиш ва ижобий таассурот қолдирди.

Семинарда иштирок этган Тошкент шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Л.Ғуломов уни ташкил этишга амалий ҳисса қўшган «Каунтерпарт Ўзбекистон» ташкилоти ва, хусусан, унинг нодавлат нотижорат ташкилотларни ривожлантириш масалалари билан шуғулланувчи мувофиқлаштирувчиси Р.Тожибоевага ҳамда АҚШнинг Халқаро ривожланиш бўйича агентлиги (ЮСАИД) раҳбарларига, шунингдек, юксак маҳорат билан машғулотларни олиб борган тренерларга миннатдорчилик билдирди.

Ўз мухбиримиз

Қизилқумликларга тиббий хизмат

Орололди минтақасида яшаётган аҳоли учун бепул малакали тиббий хизмат кўрсатаётган «Саломатлик поезди» яна Навоийда бўлди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган бу меҳр-мурувват поезди мазкур вилоят аҳолиси учун 10 миллион сўмликдан зиёд тиббиёт дори-дармони, асбоб-ускуна олиб келди. «Ҳаракатдаги тиббий хизмат» жамоаси ўн кун давомида Томди, Учқудуқ, Конимех, Нурота туманлари хўжаликлари, овул ва ўтовларида бўлиб, меҳнат аҳли соғлиғини кузатишди ва бепул дори-дармон тарқатди. Тиббиётчилар икки гуруҳга бўлинган ҳолда Қизилқумнинг энг олис сарҳадларида ҳам бўлишди. Улар чўпон-чўлиқлар, йилқичилар билан юзма-юз мулоқот уюштириб, ўта хавфли юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида суҳбатлашдилар.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотномасида қайд этилишича, ғайриоддий зотилжам касаллиги сабабли дунёдан кўз юмганлар сони жаҳонда 781 кишига етган, 8,3 минг кишида эса айнан шу касаллик вируслари аниқланган.

Энг кўп азият чеккан давлат Хитойдир, яъни бу ўлкада 338 киши оламдан кўз юмган бўлса, Сянганда бу рақам 287 тани, Тайбейда — 81, Канадада — 32, Сингапурда — 31, Вьетнамда — 5, Малайзияда — 2, Таиландда — 2, Филиппинда — 2, Жанубий Африка Республикасида — 1 кишини ташкил этади. Шунингдек, энг кўп вирус тарқалган ҳудуд ҳам Хитой билан Сянгандир: бирида — 5 минг 328 кишида шу касаллик вируси аниқланган бўлса, иккинчисида эса 1 минг 752 кишида қайд этилган.

Ғайриоддий зотилжам касаллигини назорат қилиш бўйича Хитойда тузилган миллий штаб-квартирада фаолият юритаётган олимларнинг фикрича, касаллик вируси одам танасидан ташқарида 15 кунгача умр кўра оларкан.

Тадқиқотчиларнинг «Чжунго жибао» газетасига маълум қилишларича, сўлакда, терда, шунингдек, одамдан ажралиб чиқадиган бошқа ажратмаларда вирус 24 даражалик ҳароратда 5 кунгача яшай оларкан ва ҳатто кўпаяди ҳам. Айнан шу ҳароратдаги қонда эса 15 кунгача ўлмайди.

Тажрибалар яна шуни кўрсатдики, қоғозда, пахтадан тайёрланган кийимда, дарахтда, металлда, пластик буюмларда, шиша ё ойна юзасида, шунингдек, тупроқда 3 кунгача умр кўради. Илмий тадқиқотлардан маълум бўлдики, ҳароратнинг кўтарилиши унинг ўлимини тезлатади. Масалан, ҳарорат 37 даражадан паст бўлмаган одатдаги шароитда вирус 4 кунгача яшаса, 56 даражадан паст бўлмаган ҳароратда 90 минут, 75 даражада эса атиги 30 минут умр кўраркан, холос.

Кўриниб турибдики, совуқ кунлар келмасдан туриб ушбу балодан қутулиб олиш Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда касаллик тарқалган мамлакатлар олдида турган долзарб масалалардан бирига айланган.

Хўш, бу касаллик тўғрисида ва унинг клиник белгилари ҳақида нималар биламиз? Ундан сақланиш ва олдини олиш борасида-чи? Умуман республикамизда бу борада қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

Айни шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, республика Бош давлат санитария врачи Бахтиёр НИЁЗМАТОВга мурожаат этдик.

SARS

XXI АСР ОФАТИГА АЙЛАНМАСЛИГИ УЧУН ИНСОНИЯТ БАҲАМ-ЖИҲАТ ҲАРАКАТ ҚИЛИШИНИ ВАЗИЯТ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

— Маълумки, бу касалликнинг оғир оқибатларга олиб келиши ҳақида ҳар қалай умумий тушунчага эгамиз. Бироқ бу камлик қилади. Ҳар биримиз у ҳақда тўлиқ маълумотга эга бўлишимиз лозим.

— Тушундим. Ушбу касалликни Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Severe Acute Respiratory Sundrome (SARS), яъни оғир ўткир респиратор синдром (ОЎРС) касаллиги, деб номлашни тавсия қилди. Уни вируслар келтириб чиқариши аниқланган бўлиб, биринчи марта ўтган йилнинг 15 ноябрида Хитой давлатида рўйхатга олинган. Бугунги кунда дунёнинг 29 та мамлакатида ушбу касаллик қайд этилган.

Касаллик чақирувчи манба: Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, касалликни каронавируслар оиласига кирувчи вируслар келтириб чиқаради. Бу вирус 2003 йилнинг 21 мартида хитойлик беморлардан ажратиб олинган. Шунга қарамасдан дунё олимлари ҳанузгача ушбу вирус тўғрисида якуний хулосага келганлари йўқ ва бу борада изланишлар давом этмоқда.

Касаллик асосан ҳаво-томчи йўли (акса уриш, йўталиш, қаттиқ гапириш) билан юқади, шунингдек, бемор чиқиндилари орқали ҳам юқиши мумкин. Охирги олинган маълумотларга қараганда, касаллик мулоқот йўли билан ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда бошқа жиҳозлар орқали ҳам организмга ўтиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

Касалликнинг асосий клиник белгилари: яширин даври (касаллик қўзғатувчиси организмга тушгандан сўнг то биринчи белгилари пайдо бўлгунча ўтган вақт) 2-10 кундан иборат. Хасталик ўткир бошланади: аввал ҳолсизлик, бош оғриши, мушакларнинг қақшаши, терлаш, танада оғриқнинг пайдо бўлиши, қуруқ йўтал ва тана ҳароратининг 38-39 даражагача кўтарилиши билан бошланади. Кўнгил айниб, бир ёки икки марта қусиши мумкин ва баъзан беморларда ич кетиши, шунингдек, юмшоқ танглай ва ютқиннинг қизариши, қичиши кузатилади. Касалликнинг 3-7 кунларидан бошлаб беморлардаги юқори нафас йўлларининг яллиғланиши ўпкага ўтади: бунда тана ҳарорати янада кўтарилиб боради, ҳолсизлик, бош оғриғи кучаяди. Беморнинг нафас олиши қийинлашади, кўкрак қафаси сиқилиб, ҳаво етишмайди, юрак уриши тезлашади. Ўпкадаги шамоллаш кучайиб бориши натижасида бутун тананинг ҳаво билан таъминланиши бузилади: беморнинг лаблари кўкариб кетади, тез-тез юза нафас ола бошлайди. Беморлар асосан оғир нафас етишмовчилиги туфайли вафот этиши мумкин. Ушбу касаллик сабабли ўлим ҳолати 4-8 фоизни ташкил этади.

Даволаш: махсус даволаш усуллари ҳали йўқ, шунинг учун барча нафас йўллари касалликларини даволашдаги усуллар қўлланилади. Шунингдек, вирусларга қарши препаратлар ва иммунитетни кучайтирувчи дори-дармон воситаларидан фойдаланилади.

— Хабарингиз бўлса, яқинда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мазкур касаллик борасида дунё бўйича «кенг қамровли тревога» кўтарди. 9 давлатнинг 13 та илмий лабораторияси SARS вирусини чуқур ўрганиш, унга қарши вакцина яратиш ва кураш тадбирларини ишлаб чиқиш учун ҳамкорликда иш олиб боришга киришдилар. Бизда аҳвол қандай? Илмий текшириш институтлари олимлари бу борада изланиш олиб боришяптими?

— Дарҳақиқат, дунёнинг кўпгина давлатларида касаллик вирусини ўрганиш ва унга қарши вакцина ишлаб чиқариш, диагностикумлар тайёрлаш устида иш олиб борилмоқда. Дунёдаги изланишлар ҳақида биз маълумотлар олиб турибмиз. Ҳар қандай изланишлар натижаси олимларимизни бефарқ қолдирмаяпти. Табиийки, ҳар бир ташҳисот соҳасидаги янгиликни республикамиз амалиётига татбиқ қилиш ниятларимиз бор. Бу борада Россия ва қўшни давлатлар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Швейцария билан ҳамкорликда ташкил қилинган республика Референс лабораторияси ва Республика вирусология маркази ушбу соҳада изланишлар олиб бормоқдалар.

— Бу касаллик бизда қайд этилганми?

— Йўқ.

— Бугунги кунда кўп давлатлар Хитой ва вирус тарқалган бошқа мамлакатлар билан алоқани вақтинчалик узиб қўйгани сир эмас. Қозоғистон, Қирғизистон, Монголия ёки Россия минглаб километр чегараларини ёпиб қўйган, ўтиш рухсат этилган жойларда эса қаттиқ назорат ўрнатилган. Бизнинг чегараларимизда қандай тадбирлар қўлланилмоқда? Ўзбекистон ҳаво йўллари, темир йўл, божхона, автомобиль ва дарё тизимида-чи?

— Касалликнинг республикамиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш борасида ҳукуматимиз, жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Шу йилнинг 30 апрель ва 8 май кунлари Вазирлар Маҳкамаси қошидаги республика Эпидемияга қарши кураш Фавқулодда Комиссиясининг навбатдан ташқари йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда касаллик тарқалган ҳудудларга заруратсиз боришни чеклаш ҳамда ўша ҳудудлардан келаётганларга ва транспорт воситаларига нисбатан ҳушёрликни ошириш мақсадида барча алоқадор вазирликларга тегишли вазифалар юклатилди. Республикамиз чегараларини кесиб ўтиш жойлари (аэропорт, вокзал, дарё порти, божхона постлари)да жами 93 та санитария назорат пунктлари (СНП) ташкил қилинган. Улар орқали республикамизга кириб келаётган ҳар бир фуқаро, албатта, тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. СНП ходимлари алоҳида хоналар, дори-дармон, тиббий восита ҳамда шахсий ҳимоя воситалари ва дезинфекцияловчи моддалар билан тўлиқ таъминланган. Кириб келаётган ажнабий фуқароларда касаллик аломатлари мавжуд бўлса, орқаларига қайтарилади, агар Ўзбекистон фуқароси бўлса махсус ажратилган изоляторга жойлаштирилади.

Давлат чегараларини кесиб ўтиш жойларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Давлат Божхона қўмитаси ходимлари биргаликда фаолият олиб бормоқдалар. Мазкур вазирлик ва ташкилотлар биргаликда қўшма буйруқ ва тадбирлар дастурини ишлаб чиққан. Ҳозир унинг ижроси қаттиқ назоратга олинган. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус буйруғи билан Тошкент шаҳрида 30 ўринли, Қорақалпоғистон Республикаси. ва вилоятларда 10 тадан шифо ўринлари тайёрлаб қўйилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида 4 профессор ва олимдан иборат махсус маслаҳат гуруҳи ташкил қилинган. Заруратга қараб улар вилоятларга чиқадилар ва жойлардаги мутахассисларга касаллик бўйича амалий ёрдам ва маслаҳат бериб бориши кўзда тутилган.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 майдаги 276-сонли Фармойиши билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси раҳбарлари ҳар бир вилоятга бириктирилган ва улар жойларга чиқиб ўтказилаётган чора-тадбирларга раҳбарлик қилмоқдалар.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари томонидан аэропорт, темир йўллар, дарё порти ва божхона ходимлари учун махсус ўқув курслари ташкил қилинган. Улар бу касаллик бўйича тўлиқ маълумотга эга. Агар йўловчилар орасида ушбу касалликка гумон қилинганлар аниқлангудек бўлса, қандай зарур чоралар кўриш лозимлиги ҳар томонлама ўргатилган.

— Бу касалликдан сақланиш учун одамлар нима қилиши керак?

— Аввалгидек ушбу касаллик қайд қилинган ҳудудларга боришдан вақтинчалик ўзларини чеклашлари лозим. Ўткир респиратор ва грипп касаллиги клиник белгилари мавжуд бўлган беморлар билан мулоқотда бўлмаганлари маъқул.

SARS белгилари кузатилганда дарҳол тиббиёт ходимларига мурожаат қилишлари керак.

— Маълумки, Хитойда SARS юқишидан ҳимояланиш жараёнида дока-ниқоб (маска)лар етишмовчилиги муаммоси юз берган эди. Сингапур, Сянган ва Тайбейда ҳам бу ниқобларга эҳтиёж катта экан. Худо кўрсатмасину, мабодо, биздаям бундай муаммо юзага келмайдими? Кафолат борми?

— Республика Эпидемияга қарши кураш Фавқулода Комиссиясининг қарорларида касалликнинг республикага кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, аҳолини ушбу касалликдан ҳимоя қилишда зарур бўладиган барча чора-тадбирларни амалга ошириш учун керакли маблағ ажратилди. Шунингдек, барча тегишли вазирлик ва корхоналар ушбу ишларни амалга ошириш бўйича зарур топшириқлар олган. Бугунги кунда республикамизда тиббий воситалар, дори-дармон, дезинфекцияловчи ҳамда шахсий ҳимоя воситаларининг тўлиқ заҳираси яратилган.

Суҳбатдош:
Алимқул СУЛТОН

XORIJDA

Ниҳоят муссон ёмғирлари

Маълумки, Ҳиндистонда 3 ҳафтадан бери давом этаётган жазираманинг азоби ниҳоят якун топадиган бўлди. Гап шундаки, мамлакатда ҳароратнинг 47-49 даражагача кўтарилиши оқибатида 1300 киши оламдан кўз юмди. Якшанба куни эса Керала штатида муссон ёмғирлари бошланди. Бу мавсум аста бошқа ҳудудларга ҳам тарқалишини одамлар интиқлик билан кутмоқда, дейилади Reuters ахборотида.

Инспекторлар қайтишди

Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ)нинг Венадаги котибияти «Новости» ахборот агентлигига хабар беришича, МАГАТЭнинг 10 кишидан иборат мутахассиси Ирокдаги ядро объектлари устидан назоратни давом эттириш учун яна Бағдодга келдилар.

Американинг Ирокдаги оккупация маъмурлари билан келишувга кўра, мутахассислар Тувайтдаги атом объектини текширувдан ўтказадилар.

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ

Тошкент шаҳар филиали

шуни маълум қиладики, 2003 йил 6 июнь куни ўтказилган танлов савдосида «Тошшаҳаргазтаъминот» шўъба корхонасига қарашли бўлган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 10-уйида жойлашган 392-сонли «Лола» болалар боғчаси 18 000 000 сўмга сотилди, инвестиция мажбурияти 45 000 000 сўмни ташкил қилди.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

«ЎзБАТ ЁАЖ» МУҲИМ ФАКТЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Маълумотнинг тартиб рақами — 09

Эмитентнинг тўлиқ фирма номи	*Ёпиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «ЎзБАТ АЖ.» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси*
Эмитентнинг почта манзили	*Ўзбекистон Республикаси, 700084, Тошкент ш., Насирова кўч., 77*
Умумий йиғилишнинг тури	*Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши*
Умумий йиғилишни ўтказиш шакли	*Акциядорларнинг шахсий иштироки, овоз бериш учун бюллетенларни тўлдириш билан*
Умумий йиғилиш ўтказиш санаси ва жойи	*2003 йил 24 май* *Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Шайхонтоҳур т-ни, Абай кўч., 1 (Давлат Консерваторияси)*
Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинган «ЎзБАТ АЖ.» ҚК Кузатув Кенгаши йиғилишининг Баённомаси сони	*№ 1-SB/2003-сонли 2003 йил 24 март кунги Баённома*
Йиллик умумий йиғилиш кворуми (иштирок этган акциядорларни рўйхатга олиш асосида)	*Акцияларнинг умумий сонидан 99,77 % ташкил қилувчи 21 899 163 оддий (обыкновенных) эгасининг номи ёзилган акциялар*

ОВОЗГА ҚЎЙИЛГАН МАСАЛАЛАР ВА УЛАР БЎЙИЧА ОВОЗ БЕРИШ ЯКУНЛАРИ:

I. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКси йиллик умумий йиғилишларини ўтказиш мақсадида Саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.

Алишер Қодиров: рози — 99,994%, қарши — 0,005%, бетараф — 0,001%

Ольга Анашкина: рози — 99,979%, қарши — 0,014%, бетараф — 0,007%

Ильвина Мавлютова: рози — 99,979%, қарши — 0,014%, бетараф — 0,007%

Надежда Ельчанина: рози — 99,974%, қарши — 0,017%, бетараф — 0,009%

Лариса Сагановская: рози — 99,968%, қарши — 0,023%, бетараф — 0,009%

II. Бош Директорнинг «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг 2002 йилдаги фаолияти ва молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш: рози — 97,033%, қарши — 2,959%, бетараф — 0,008%

III. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг 2002 йилдаги фаолияти якунлари бўйича «ЎзБАТ АЖ.» ҚК ташқи аудиторлари «ПрайсВотерхаусКуперс» фирмасининг ҳисоботини тасдиқлаш: рози — 99,956%, қарши — 0,029%, бетараф — 0,015%

IV. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг 2002 йилги баланси бўйича «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг Тафтиш Комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш: рози — 97,025%, қарши — 2,959%, бетараф — 0,016%

V. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг 2002 йилги баланс ҳисоботини ҳамда даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш: рози — 96,996%, қарши — 2,990%, бетараф — 0,014%

VI. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг акциядорларига 2002 йил бўйича дивидендлар тўланмаслигини тасдиклаш: рози — 96,910%, қарши — 3,088%, бетараф — 0,002%

VII. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг 2003 йилги Тафтиш Комиссияси аъзоларини тайинлаш:

Мартина Пететин: рози — 99,981%, қарши — 0,012%, бетараф — 0,007%

С.П.Мигел Ангел Гарза Валле: рози — 99,969%, қарши — 0,022%, бетараф — 0,009%

Полина Джужинова: рози — 99,974%, қарши — 0,016%, бетараф — 0,010%

VIII. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг 2003 йилги Кузатув Кенгаши аъзоларини тасдиқлаш:

Сергей Краснов: рози — 99,985%, қарши — 0,012%, бетараф — 0,003%

Джон Дэвид Селби: рози — 99,973%, қарши — 0,024%, бетараф — 0,003%

Джон Моффат: рози — 99,970%, қарши — 0,021%, бетараф — 0,009%

Джон Ричардсон: рози — 99,970%, қарши — 0,022%, бетараф — 0,008%

И.Г.Яковлев: рози — 99,975%, қарши — 0,018%, бетараф — 0,007%

В.Х.Джураев: рози — 99,976%, қарши — 0,017%, бетараф — 0,007%

IX. Жаноб Рене Айзельстайнни «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг 2003 йилга Бош Директори деб тасдиқлаш (сайлаш): рози — 99,953%, қарши — 0,043%, бетараф — 0,004%

X. «ПрайсВотерхаусКуперс» фирмасини «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг 2003 йилга ташқи аудитори этиб тайинлаш (тасдиқлаш): рози — 99,966%, қарши — 0,020%, бетараф — 0,014%

XI. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг 2003 йилги бизнес-режасини тасдиқлаш: рози — 97,037%, қарши — 2,950%, бетараф — 0,013%;
«ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг бизнес-режаларини тасдиқлаш ваколатини «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг Кузатув Кенгашига беришни тасдиқлаш: рози — 99,965%, қарши — 0,015%, бетараф — 0,020%.

XII. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг Бош Директорининг қуйидаги қарорларини тасдиқлаш:

а) «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг таркибий бўлинмаларини тугаллаш тўғрисида: рози — 99,956%, қарши — 0,029%, бетараф — 0,015%

в) «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг фаолият юритаётган филиалларининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида: рози — 99,960%, қарши — 0,022%, бетараф — 0,018%

«ЎзБАТ АЖ.» ҚК Низомнинг 7-моддасига қуйидаги қўшимчани тасдиқлаш: «7.2 ЎзБАТ филиалларининг рўйхати Низомнинг 2-сонли Иловасида кўрсатилган». «ЎзБАТ АЖ.» ҚК Низомининг 2-сонли Иловасини (акциядорларнинг мазкур йиллик умумий йиғилиши Баённомасининг 16-сонли иловаси) тасдиқлаш: рози — 99,960%, қарши — 0,018%, бетараф — 0,022%.

XIII. «ЎзБАТ АЖ.» ҚК Кузатув Кенгашининг 19.11.2002 йилги қарорларига асосан «ЎзБАТ АЖ.» ҚК акциядорлари рўйхатига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш («ЎзБАТ АЖ.» ҚК Низомига 1-сонли Илова): рози — 99,971%, қарши — 0,019%, бетараф — 0,010%

XIV. Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармасига «ЎзБАТ АЖ.» ҚКга қарашли Самарқанд вилояти Ургут туманида жойлашган болалар ёзги дам олиш оромгоҳини беғараз тарзда беришни тасдиқлаш: рози — 3,005%, қарши — 96,983%, бетараф — 0,012%

XV. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКсига қарашли Ургут шаҳрида жойлашган тўртта уйни «ЎзБАТ АЖ.» ҚК балансидан Ургут туман ҳокимлиги балансига қуйидаги шартлари билан ўтказишни тасдиқлаш: а) ҳокимликка уйлардаги хавфсиз яшаш шароитларини яхшилаш учун керак бўлган пул маблағларини ўтказиб бериш; б) ушбу уйларда яшовчи «ЎзБАТ АЖ.» ҚК ходимларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: рози — 99,936%, қарши — 0,052%, бетараф — 0,012%.

«ЎзБАТ АЖ.» ҚКсига қарашли Самарқанд шаҳри, Саттепо маскани, 174-уйдаги 4 та хонадонни қуйидаги фуқароларга беғараз тарзда беришни тасдиқлаш: Амриева З.З. (128-кв.), Юлдашева М.Н.(116-кв.), Курбановой Н.А.(138-кв.), Гаппаров И.С.(118-кв.).: рози — 97,010%, қарши — 2,981%, бетараф — 0,009%

XVI. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг фаолият турларини кенгайтириш, хусусан, дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳасида хизмат кўрсатиш бўйича «ЎзБАТ АЖ.» ҚКси Низомига киритилган қўшимчаларни тасдиқлаш (Акциядорларнинг мазкур йиллик умумий йиғилиши баённомасининг 16-сонли иловаси): рози — 99,934%, қарши — 0,046%, бетараф — 0,020%

XVII. «ЎзБАТ АЖ.» ҚК Кузатув Кенгашига: «ЎзБАТ АЖ.» ҚК акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом», «ЎзБАТ АЖ.» ҚК Кузатув Кенгаши тўғрисидаги Низом» ва «ЎзБАТ АЖ.» ҚК Бош Директори ва Дирекцияси тўғрисидаги Низом»ларнинг янги таҳririларини тайёрлаш ва тасдиқлашни топшириш: рози — 99,973%, қарши — 0,015%, бетараф — 0,012%

XVIII. «Б.А.Т. Узбекистан (Инвестментс) Лимитед» («БАТ») компаниясининг «ЎзБАТ АЖ.» ҚК Низом Жамғармасига қўшимча қўйилмалар масаласини «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг Низомига асосан компаниянинг Кузатув Кенгашига кўриб чиқиш учун топшириши тасдиқлаш: рози — 99,902%, қарши — 0,086%, бетараф — 0,012%.

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАРНИНГ ТЎЛИҚ ТАЪРИФИ:

I. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКси йиллик умумий йиғилишларини ўтказиш мақсадида Саноқ Комиссияси таркиби тасдиқлансин: Алишер Қадыров, Ольга Анашкина, Ильвина Мавлютова, Надежда Ельчанина, Лариса Сагановская

II. Бош Директорнинг «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг 2002 йилдаги фаолияти ва молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисобот тасдиқлансин.

III. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг 2002 йилдаги фаолияти якунлари бўйича «ЎзБАТ АЖ.» ҚК ташқи аудиторлари «ПрайсВотерхаусКуперс» фирмасининг ҳисоботи тасдиқлансин.

IV. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг 2002 йилги баланси бўйича «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг Тафтиш Комиссияси ҳисоботи тасдиқлансин.

V. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг 2002 йилги баланс ҳисоботини ҳамда даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин

VI. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг Акциядорларига 2002 йил бўйича дивидендлар тўланмасин.

VII. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг 2003 йилги Тафтиш Комиссияси аъзолари сайлансин: Мартина Пететин, С.П.Мигел Ангел Гарза Валле, Полина Джужинова.

VIII. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг 2003 йилги Кузатув Кенгаши аъзолари сайлансин: Сергей Краснов, Джон Дэвид Селби, Джон Моффат, Джон Ричардсон, И.Г.Яковлев, В.Х.Джураев.

IX. Рене Айзельстайн «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг 2003 йилга Бош Директори деб сайлансин.

X. «ПрайсВотерхаусКуперс» фирмаси «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг 2003 йилга ташқи аудитори деб тасдиқлансин.

XI. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг 2003 йилги бизнес-режаси тасдиқлансин. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг бизнес-режаларини тасдиқлаш ваколатини «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг Кузатув Кенгашига бериши тасдиқлансин.

XII. «ЎзБАТ АЖ.» ҚК Бош Директорининг қуйидаги қарорлари тасдиқлансин: А) «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг таркибий бўлинмаларини тугаллаш тўғрисида ва В) «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг фаолият юритаётган филиалларининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

«ЎзБАТ АЖ.» ҚК Низомининг 7-моддасига қуйидаги қўшимча тасдиқлансин: «7.2 ЎзБАТ филиалларининг рўйхати Низомнинг 2-сонли Иловасида кўрсатилган». «ЎзБАТ АЖ.» ҚК Низомининг 2-сонли Иловаси (Акциядорларнинг мазкур йиллик умумий йиғилиши Баённомасининг 16-сонли иловаси) тасдиқлансин.

XIII. «ЎзБАТ АЖ.» ҚК Кузатув Кенгашининг 19.11.2002 йилги қарорларига асосан «ЎзБАТ АЖ.» ҚК Акциядорлари Рўйхатига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни («ЎзБАТ АЖ.» ҚК Низомига 1-сонли Илова) тасдиқлансин.

XIV. Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармасининг «ЎзБАТ АЖ.» ҚКга қарашли Самарқанд вилояти Ургут туманида жойлашган болалар ёзги дам олиш оромгоҳини беғараз тарзда бериш ҳақидаги илтимоси рад этилсин.

XV. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКсига қарашли Ургут шаҳрида жойлашган тўртта уйни «ЎзБАТ АЖ.» ҚК балансидан Ургут туман ҳокимлиги балансига қуйидаги шартлари билан ўтказишни тасдиқлаш: а) ҳокимликка уйлардаги хавфсиз яшаш шароитларини яхшилаш учун керак бўлган пул маблағларини ўтказиб бериш; б) ушбу уйларда яшовчи «ЎзБАТ АЖ.» ҚК ходимларининг ҳуқуқларини ҳимоя килиш.

«ЎзБАТ АЖ.» ҚКсига қарашли Самарқанд шаҳри, Саттепо маскани, 174-уйдаги 4 та хонадон қуйидаги фуқароларга беғараз тарзда бериши тасдиқлансин: Амриева З.З. (128-кв.), Юлдашева М.Н.(116-кв.), Курбановой Н.А.(138-кв.), Гаппаров И.С.(118-кв.).

XVI. «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг фаолият турларини кенгайтириш, хусусан, дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳасида хизмат кўрсатиш бўйича «ЎзБАТ АЖ.» ҚКси Низомига киритилган қўшимчалар тасдиқлансин.

XVII. «ЎзБАТ АЖ.» ҚК Кузатув Кенгашига «ЎзБАТ АЖ.» ҚК акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом», «ЎзБАТ АЖ.» ҚК Кузатув Кенгаши тўғрисидаги Низом» ва «ЎзБАТ АЖ.» ҚК Бош Директори ва Дирекцияси тўғрисидаги Низом»ларнинг янги таҳririларини тайёрлаш ва тасдиқлаш топширилсин.

XVIII. «Б.А.Т. Узбекистан (Инвестментс) Лимитед» ("БАТ") компаниясининг «ЎзБАТ АЖ.» ҚК Низом Жамғармасига қўшимча қўйилмалар масаласини «ЎзБАТ АЖ.» ҚКнинг Низомига асосан компаниянинг Кузатув Кенгашига кўриб чиқиш учун топшириш тасдиқлансин.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Шижоат ва маҳорат кўриги

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Шундай гўзал ва жаннатмакон ўлкада туғилганлигимдан фахрланаман, — дейди Андижон Олимпия заҳиралари спорт коллежи ўқувчиси, самбо бўйича уч карра Ўзбекистон чемпиони, белбоғли кураш бўйича халқаро турнирлар совриндори Гулчеҳра Маманова. — Мен мамлакатимизнинг Қирғизистон Республикаси билан чегарадош Жалақудуқ туманидаги «Қорача» қишлоғида яшайман. Илгари қишлоғимизни кўпчилик билмасди. Спорт билан шуғулланиб, бир неча мусобақаларда ғолиб чиққанимдан кейин мухлислар менинг қаердан эканлигимни қизиқиб сўрайдиган бўлишди. Ҳозир юртимиздаги спорт мухлисларининг кўпчилиги мени ва мен орқали қишлоғим номини билишади. Оилада икки ўғил, икки қизмиз. Отанам ҳам спорт ишқибози. Саксонинчи йилларда ойим Қундузхон Маманова чим хоккей бўйича «Андижанка» жамоасида ўйнаганлар. Укам Қувончбек тўққизинчи синфда ўқиш билан бирга бокс тўгарагига қатнайди. Мақсадим ўз иқтидорим ва маҳоратим билан юртимни дунёга танитиш. Қолаверса, «Баркамол авлод — 2003» спорт мусобақалари машъаласини ёқиш бахти менга насиб этганлигидан қалбим янада ғурурга тўлди. Андижонда барпо этилган муҳташам спорт мажмуалари биз ёшларни янада юксак натижаларни қўлга киритишга ундаши шубҳасиз.



Дарҳақиқат, бугун мамлакатимиз ёшлари ана шундай беғубор ва юксак орзулар билан улғайишяпти. Мамлакатимиз Президенти яқинда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик Кенгашининг навбатдаги йиғилишида: биз спорт билан шуғулланиш деганда ҳамманинг профессионал спортчи бўлишини тушунишни эмас, балки бу жараённи юртимизнинг чекка-чекка ҳудудларига ҳам етиб боришини эътиборга олишимиз керак, деган эдилар. Шу маънода «Баркамол авлод — 2003» спорт мусобақаларида қатнашаётган жамоалар иштирокини кузатиб, Юртбошимизнинг спортга куюнчаклик билан ёндашаётганликлари бежиз эмаслигини яна бир бор ҳис этдик. Жамоаларнинг спорт турлари бўйича турли кўрсаткичга эга эканлиги, айрим турлар бўйича паст натижаларнинг қайд этилаётганлиги ўша вилоят ёки шаҳарда соҳадаги ривожланиш ҳаминқадар эканлигини кўрсатиб турибди. Масалан, яқиндагина ниҳоясига етган «Умид ниҳоллари — 2003» спорт ўйинлари мезбони ва совриндори Хоразм вилояти вакилларининг футбол, қўл тўпи (қизлар), баскетбол (йигитлар) турлари бўйича гуруҳ саралаш учрашувларида бирорта ҳам очкони қўлга кирита олмаганликлари воҳада «Баркамол авлод — 2003»нинг дастлабки босқич баҳслари номигагина ўтказилганлигидан дарак бериб турибди. Шунингдек, айрим вилоятларнинг масъул раҳбарлари натижа кетидан қувиб, мусобақа низомига зид ишларга ҳам қўл уришган. Жумладан, мусобақалар чоғида Қорақалпоғистон Республикаси футболчилари ўз таркибларига «Умид ниҳоллари — 2003» спорт ўйинларида майдонга тушган беш нафар ўқувчини жалб этганликлари аниқланди. Оқибатда жамоа барча учрашувларни майдонда ўн футболчи бўлиб ўтказмоқда. Енгил атлетика баҳсларида эса Навоий вилояти спортчилари тўлиқ таркибда иштирок этмаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Ҳозиргача мусобақа дастуридан жой олган кураш, оғир атлетика, стол тенниси, енгил атлетика турлари бўйича баҳслар ниҳоясига етди. Кўркам шаҳар Хонободда барпо этилган кураш манежидаги муросасиз беллашувларда етти вазн тоифасида ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Умумжамоа ҳисобида Бухоро полвонлари шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишган бўлса, Самарқанд ва Жиззах вилояти вакиллари кейинги фахрли ўринларни эгаллашди.

Енгил атлетикани спортнинг «қироличаси» деб таърифлашади. Бу спорт турини юксалтирмасдан бошқа турлар тўғрисида гапириш ортиқча. Афсуски, бу баҳсларда Навоий вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси енгил атлетикачилари жуда паст кўрсаткични қайд этишди. Бу эса мазкур жамоаларнинг бундан икки йил муқаддам Жиззахда ўтказилган мусобақалардан етарли хулосалар чиқармаганликларини кўрсатиб турибди. Ушбу баҳсларда эса кучли учликни ҳақли равишда Тошкент, Андижон, Фарғона вилоятлари банд этишди.

Оғир атлетика баҳсларида янги номлар кашф этилди. Жумладан, 51 кг. ва 56 кг. вазн тоифасидаги қатнашчилар ўртасидаги мусобақада андижонликлар мутахассисларда илиқ таассурот қолдирди. «Баркамол авлод — 2003» дастурига илк маротаба киритилган бу турда 51 кг. вазн тоифасида энг яхши натижага Мансур Мамажонов эришди — 177,5 кг., 56 кг. вазн тоифасида ҳам илк рекорд мезбонлар вакилига насиб қилди. Бу сафар Маҳамат Мамасаидов рақибларидан мутлақ устунликка эришди — 215 кг.

Кеча футбол, волейбол, қўл тўпи, баскетбол, теннис турлари бўйича чорак финал баҳслари ўтказилди. Бокс бўйича финалчилар аниқланди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбирлари

✧✧✧

Суратда: Асака туманидаги 5-касб-ҳунар мактабининг ўқувчиси Мансурбек Мамажонов (чапда) укаси Маҳсуд билан. Мансурбек Мамажонов «Баркамол авлод» Республика спорт ўйинларида Хонобод шаҳрида оғир атлетика бўйича бўлган беллашувларда олтин медаль соҳиби бўлди.

Азамат ТОШМАТОВ ва Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

Оламни асранг, дўстлар

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Экосан» халқаро жамғармаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказган «Экофестиваль» мана шу йўлда қўйилган қадамлардан биридир. Экологик фестиваль — Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб экология ва саломатлик кунларининг «Ўзбекистон барқарор экоривожланиш йўлида» шиори остида ўтказилаётган «Санитария, гигиена ва экологик маданият» декадаси доирасида бўлиб ўтди.

Фестивалда Ўзбекистонда аккредитация қилинган Озарбайжон, Афғонистон, Қирғизистон, Латвия, Малайзия, Молдова, Туркманистон, Покистон, Украина элчихоналари томонидан жаҳон халқлари маданиятининг ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи кўргазмалар ташкил этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ташкил этилган она табиатни асраш, ардоқлаш туйғулари сингдирилган мўйқалам соҳиблари ижодидан намуналар, партия экологик дастуридан ўрин олган табиатни асраш юзасидан айтилган фикр-мулоҳазалар, экологик мувозанатни сақлаш йўлида олиб борилаётган ишлар акс этган фотосуратлар, партия нашрлари ҳисобланган «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари саҳифаларида эълон қилинаётган табиат, сув, умуман экологик муаммоларга бағишланган қатор мақолаларнинг қисқача баёни кўрсатилган плакатлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Фестиваль меҳмонларига она табиат ҳақидаги расмлар кўргазмаси ташкил этилди. Гўзаллик ва нафосат, эзгулик рамзи ҳисобланган гуллар намойиши тадбир иштирокчиларига завқ-шавқ бағишлади. Шунингдек, ёш рассомлар кўргазмаси ҳам йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова иштирок этиб, сўзга чиқди.

«Экосан» халқаро жамғармаси президенти Юсуфжон Шодиметов «Энг обод маҳалла» республика кўрик-танловининг ғолибларини эълон қилди. Маҳаллада олиб борилаётган экологик ва бошқа соҳалардаги ишларни, шунингдек маҳалланинг санитар-экологик ҳолати, аҳолининг тоза ичимлик суви ва замонавий коммунал хизмат билан таъминланганлиги, чиқиндилар масаласи тартибга келтирилганлиги, маҳалла ҳудудининг ободлиги, қўқаламзорлаштирилганлиги ҳисобга олиниб, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги «Зангиота» қишлоқ фуқаролар йиғини II босқич ғолиби деб топилди ва унга жамғарма дипломи, ташкилотчилар томонидан ажратилган 3 миллион сўм миқдоридаги пул мукофоти топширилди. Иккинчи ўринни Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, А.Назаров номидаги маҳалла, учинчи ўринни эса Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, А.Икромов номидаги маҳалла қўлга киритди. Уларга бир ярим ва бир миллион сўм миқдоридаги пул мукофотлари топширилди.

Ҳакимжон УМАРОВ, Қўқон шаҳар, А.Икромов номидаги маҳалла раиси:

— «Экосан» жамғармасининг фаолияти республикамизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам намоён бўлмоқда. Бутун дунёда юз бераётган экологик бўҳронни тузатишга ҳамманинг ҳам имконияти етавермайди. Лекин экологияни яхшилашнинг бош бўғини ҳисобланган уй, маҳалла, атроф-муҳитни тоза сақлаш, қўчат ўтказиш, маҳалла ҳудудидан оқиб ўтаётган ариқлар атрофини қўкаламзорлаштириш, ҳар хил чиқиндилар ташланишига йўл қўймаслик ҳар биримиз қилишимиз мумкин бўлган ишлар сирасига киради.

«Боғи Эрам»га ташриф буюрган беш мингга яқин иштирокчи ва хорижий меҳмонларни хушнуд этиш учун бу ерга келган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Равшан Комилов, Гулбаҳор Сулаймонова ҳамда сўз устаси Валижон Шамсиевлар ўз дастурларини ҳавола этдилар.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

✧✧✧

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 512

11352 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.50
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

МАДАНИЯТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Абадият ошёни

Ўтган асрнинг 80-йиллари. Ойбекнинг уй-музейи... Адабий учрашувлар, маданият байрамлари...

Баъзан хаёл беихтиёр ўша йилларга кетиб қолганда шеърхонлик кечалари, ёш ёзувчиларнинг кўчма семинарлари, ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиёти намояндаларининг Ойбек бадиий оламида акс этган жилолари кўз олдимга келади. Машҳур снайперчи Зебо Ғаниева, Тамарахоним сингари донгдор кишилар билан учрашувлар туфайли Ойбек уй-музейи Тошкентнинг маданият ва маърифат ўчоқларидан бирига айланганди. Айниқса, ҳали турли тазйиқлардан халос бўлмаган Наврўзнинг ўзбекона байрам сифатида нишонланиши, дошқозонда пиширилган ва мазаси ҳали ҳам оғиздан кетмаган сумалакларни эслаганимизда қалбда сурур жўш уради.

Ушанда Ойбек уй-музейи ходимларининг ташаббуси билан нафақат Тошкентнинг турли муассасалари, балки республикамизнинг талайгина шаҳар ва қишлоқларида ҳам шундай ажойиб кечалар ўтказилган ҳамда улар том маънода маданият байрамларига айланиб кетган эди.

Эсимда, бир гал Тошкентнинг Қорасарой маҳалласидаги туғуруқхонада ўтказилган Наврўз байрамида Тамарахоним шу куни туғилган гўдакларга Наврўз ва Наврўза исмлари берилишини таклиф этган, чиндан ҳам ўша йили ўнлаб Наврўз ва Наврўзалар дунёга келган эди...

Шу каби ажойиб ва унутилмас тадбирларнинг ўтказилишида Ойбек уй-музейининг директори Ўткир Ёрмуҳамедовнинг хизматлари катта эди.

Ўткир Ёрмуҳамедов меҳнат фаолиятини маънавият ва маърифат бўстонидан ўзга соҳалардан бошлади. Аммо 1980 йилнинг бошларида фалакнинг гардиши билан Халқлар дўстлиги музейига катта илмий ходим, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай барпо этилган Ойбек уй-музейига директор этиб тайинланди. Ўткир Ёрмуҳамедов ушбу даргоҳга раҳбарлик қилар экан, нафақат Ойбек ижодининг содиқ мухлисларидан бири, айни пайтда музейшунослик ишлари бўйича йирик мутахассис сифатида эътиборга тушди. Унинг ташаббуси билан Ойбек ҳаёти ва ижодини яхши билган ижодкор ва олимлар улуғ адибга бағишланган учрашувларда фаол иштирок этдилар. Айниқса, қишлоқ жойларда ўтказилган ойбекхонлик кечалари меҳнат аҳлига олам-олам қувонч ва эстетик завқ бағишлади.

У шу йиллар мобайнида республика ва халқаро миқёсдаги деярли барча конфенренция ва семинарларда қатнашиб, МДҲ мамлакатларидаги кўплаб музейлар экспозицияларини жиддий ўрганди. Унинг музейшунослик бўйича орттирган тажрибаси Маданият ишлари вазирлигида бош мутахассис бўлиб ишлаган кезларида жуда асқотди. У етакчи музейшунос сифатида турли жойларда музейлар очилишида жонбозлик кўрсатди.

Маданиятимизнинг фидойиларидан бири бу камтар инсон мамлакатимизда маданият соҳасидаги ўзгаришларга салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. У ўзи бошчилик қилаётган «Маънавият посбони» илмий-ишлаб чиқариш маркази ходимлари билан биргаликда шу вақтга қадар Амир Темур, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур, Фитрат, Ҳамза, Абдулла Авлоний каби қатор тарихий шахсларнинг монографик экспозицияларини яратди. Мактаблар, олий ўқув юртлари, давлат муассасалари, вилоят ва туманларда музейлар ташкил этди. Бугунги кунга қадар ижодий гуруҳ томонидан ташкил этилган кўргазма ва маърифат масканлари сони 80 дан ошиб кетди.

Биргина ўтган йилнинг ўзида Ўткир Ёрмуҳамедов раҳбарлигидаги ижодий жамоа «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи, Республика Бош прокуратураси, Тошкент транспорт муҳандислари институти тарихи музейларини яратишда фаол иштирок этди. Бу йил эса Ўзбекистон тарихи Давлат музейи, Ғафур Ғулом уй-музейларини ишга туширишда баҳоли қудрат хизмат кўрсатмоқда.

Ўз касб-корини чин дилдан севган, уни эл-юртга маданий-маърифий билимлар тарқатишнинг муҳим йўналишларидан бири деб билган Ўткир Ёрмуҳамедов умрининг қарийб ярмини музейшунослик соҳасига бағишлади. Айни кунларда ҳам янги-янги режалар устида изланаётган музейшунос олим асрлар оша шаклланиб келган қадриятларимизнинг дунё узра юксалишида маданий-маърифий обидаларнинг абадият ошёни бўлиб хизмат қилишини теран ҳис этади.

Наим КАРИМОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси, таниқли ёзувчи

Самар НУРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси газетанинг собиқ ходими, таниқли журналист, ёзувчи

Самар НУРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 117-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 Тур
51
89
83
39
64
24
18
72
90
4
Сони: 6
Сумма: 300000
Чипталар рақами
10012914.1
30019468.1
40015107.2
50009445.3
80011393.1
90019234.2

2 Тур
79
22
20
2
12
38
81
44
15
86
71
Сони: 2
Сумма: 900000
Чипталар рақами
30005638.2
70003295.3

3 Тур
17
9
10
46
23
66
87
36
31
52
68
42
49
73
35
21
33
61
59
58
77
Сони: 3
Сумма: 833333
Чипталар рақами
10011869.3
40005179.1
90015245.2

4 Тур
16
27
75
74
65
57
14
26
82
40
47
45
48
19
62
70
7
88
55
56
84
67
Сони: 2
Сумма: 1250000
Чипталар рақами
60014203.3
90004152.2

5 Тур
85
78
Сони: 2
Сумма: 900000
Чипталар рақами
20001672.2
80006463.3

6 Тур
63
60
Сони: 4
Сумма: 10000

7 Тур
5
Сони: 3
Сумма: 5000

8 Тур
54
1
Сони: 2
Сумма: 3000

9 Тур
32
Сони: 3
Сумма: 2500

10 Тур
28
Сони: 3
Сумма: 2000

11 Тур
29
Сони: 10
Сумма: 1500

12 Тур
69
Сони: 11
Сумма: 1200

13 Тур
34
Сони: 21
Сумма: 1000

14 Тур
11
Сони: 35
Сумма: 900

15 Тур
80
Сони: 47
Сумма: 800

16 Тур
53
Сони: 69
Сумма: 700

17 Тур
13
Сони: 93
Сумма: 600

18 Тур
43
Сони: 186
Сумма: 500

19 Тур
3
Сони: 294
Сумма: 400

20 Тур
41
Сони: 385
Сумма: 300

21 Тур
6
Сони: 715
Сумма: 300

Қўшимча тур
Сони: 25
Сумма: 900

Халтадан чиқмаган шарлар:
8
25
30
37
50
76

"Лахзали Яхши Ният" телеўйинида иштирок этувчи шарлар рақами: 8, 25, 30, 37, 50, 76

Тўғри келганлар сони	Ютуқ сони	Сумма	Чипта рақами
4	2	900000	90005072.4 / 90006045.2
3	11	1000	
2	251	300	
1	2818	100	

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2003 йил 3 июлдаги 118- тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:



Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украника" дўкони. Тел: 8(371)2) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.